


Фикр дурдоналари (37-қисм)



19:00 / 17.05.2017 3583

191. Атрофи тоғ жинслари ва қоятошлар билан ўралган бўлса ҳам гавҳар ялтираб, порлаб туради. Худди шунингдек, ботил ҳар қанча кўп бўлишига қарамай, ҳақ собит тураверади.

192. (Инсонларга) бўлган муҳаббат хатоларни кўришдан кўзимизни кўр қилади.

(Инсонларга) бўлган нафрат ҳақиқатларни кўришдан кўзимизни кўр қилади.

193. Истаганингча син. Аммо сени деб кўп нарсалар қиладиган қалбни синдиришдан эҳтиёт бўл. Шундай қалблар борки, уларнинг ўрнини бошқа қалб босолмайди.

194. Бахтингни Аллоҳдан бошқа билан боғлама (Яъни бахтга фақат Аллоҳга боғланиб эришдим деб ҳисобла).

Чунки, яхши кўрганинг бир кун келиб сенга жафо қилиши мумкин.

Яқининг бир кун келиб узоқлашиши мумкин.

Тирик улфатинг бир кун келиб ўлади.

Молинг бир кун келиб тугайди.

Соғлигинг бир кун келиб кетади.

Ҳайй, Қаййум Зотдан бошқа ҳеч ким ва ҳеч нарса боқий эмас.

195. Ташналик фақатгина сувга бўлган эҳтиёж эмас. Қалбларимизнинг ёқимли сўзга бўлган эҳтиёжи ҳам бор.

*Қуйидаги маълумотлар фейсбукдаги “Роваиъул фикр” (Фикр дурдоналари),
“Ховатир роқия” (Салмоқли фикрлар) каби саҳифалардан олинган.*

Нозимжон Ҳошимжон таржимаси